



ТЕРИНИНГ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРИНИ КЕЧИШИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

ГАНИЕВА НОДИРА САЛИМОВНА

КАТТАКУРГОН АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТЕХНИКУМИ ТЕРИ-ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ УКИТУВЧИСИ

Аннотация: Илмий мақола терининг аллергия касалликларини кечиши ва замонавий даволаш усуллари ҳамда унинг профилактикасини ўрганишга бағишланган.

Калим сўзлар: терининг аллергия касалликлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, аллергия махсус иммуноглобулин E, атопия, ташиқи муҳит омиллари.

Аллергологик касалликлар бутун дунёда тарқалиши ҳалокатли равишда кенгайиб бормоқда. Бу ҳам ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бир хил кўрсаткичли ташкил этади. Бу касалликлар қаторига бронхиал астма, анафилаксия, дори ва овқат аллергияси, аллергия ринит, ҳашоратлар захри аллергияси, Квинке шиши каби ҳасталикларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Охириги 20 йил ичида аллергиянинг учраш даражасининг ёшариши ва уни болаларда оғир кечиши аллергиянинг жиддий муаммоси бўлиб келмоқда. Лекин, шунга қарамай ривожланган давлатларда ҳам, аллергия касалликлари бор беморларга биринчи ёрдам бериш сифати нотўлиқ ва талаб даражасига жавоб бераётгани йўқ. Республикаимизнинг кўпгина вилоятларида аллергия беморларга махсус тиббий ёрдам кўрсатилмайди. Аллергия касаллик ҳисобланган нозологияларни пульмонолог, отоларинголог, дерматолог каби тор мутахассислар даволаб келмоқдалар. Бу эса баъзи ҳолатларда адекват терапия, кўпгина ҳолатларда эса акси бўлмоқда. Чунки, асосан шифокорлар касалликларга ўз соҳаларига ёндошган ҳолда, аллергияга эса призма ортидан боққан мисоли даволайдилар, яъни аллергия полиорган ҳарактерга эга, улар эса маълум аъзони даволашади. Масалан, аллергия ринит, конъюнктивит ва астма биргаликда кечади, улар эса турли аъзоларни зарарланишидир. Аллергиянинг тарқалиши яшин тезлигида кенгайиб бормоқда, уни соғлиқни сақлашнинг бир катта муаммоси сифатида қараш лозим. ЖССТ стастикасига биноан, аллергия ринит билан касалланганлар сони юз миллионлаб инсонларни, астма билан ҳасталанганлар эса 300



миллионни ташкил этади. Ушбу касалликларни стандартларга мос равишда аллергия беморларга ёрдам кўрсатиш аллергиялоглар вазифасидир. Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилмаслиги касалланишни ҳамда ўлим сонини ортишига олиб келади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда 2018 йили 11 майдаги 3715 сонли Аллергия касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги президент қарори чиққанлиги айтилган бўлди. Масалан, ЖССТ экспертлари ҳулосасига кўра, ҳар йили дори аллергиясидан 150000 киши вафот этади. Аллергия хасталиклар учун клиник ёрдам кўрсатиш хизмати деярли мавжуд эмас, юқорида кўрсатилган беморлар, диагностика ва даво мақсадида бошқа альтернатив тиббий мутахассисларга мурожаат қилишади.

Ҳар бир шифокор аллергиянинг турли кўринишларига дуч келади, масалан, дори препаратлари ва озиқ – овқат маҳсулотларини кўтара олмаслик, маиший воситалар ва кимёвий моддаларга, хусусан кийимлар, синтетик матолар, косметика воситалари, гигиена маҳсулотлари, турли тақинчоқлар ва кўпгина бошқа воситаларга ноодатий реакциялар кўрсатиш каби. Афсуски юқоридаги ҳолатларга, уларда учрайдиган саволларга, беморларга адекват ёрдам кўрсатишга шифокорлар тайёр бўлмайдилар. Тиббиётда соғлиқни сақлаш стандартлаштириш замонавий илмий-техник билимларни, мавжуд бўлган ресурсларни рационал қўллашни ҳисобга олаётган ҳолда тиббий ёрдам ва тиббий хизматларни хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлашни ўз ичига олади. Шу сабабли касалликларнинг диагностикаси ва даволаш стандартларини вақти-вақти билан такомиллаштириш ва ўзгартириш тиббий ёрдам кўрсатишда сифатни баҳолаш ва ягона статистик тизимни ташкил қилишга имкон яратади.

Адабиётлар рўйхати

1. А.А. Баязитова Н.И., Глушко С.А., Лисовская Е.В. и др. Аллергены *Aspergillus niger* и *Aspergillus fumigatus*. Практическая медицина 3 (95) 2016. С. 73-76



2. Бержец В.М., Хлгтян С.В., Коренева Е.А., и др. Изучение распространенности сенсбилизации к плесневым грибам у жителей Москвы и Московской области // Иммунопатология, аллергология, инфектология. – 2012. – т. 3. – с. 18–22.

3. Гурина О.П. и др. Сенсбилизация к *Aspergillus niger* при рецидивирующем бронхите у детей // Проблемы медицинской микологии, 2011, Т.13, №2. -С.72

4. О.П. Гурина, Е.А. Дементьева, А.Е. Блинов, О.Н. Варламова, В.И. Тимохина IgE-гиперчувствительность к аллергенам грибков *Rhizopus Nigricans* и *Cladosporium herbarum* у детей с респираторными аллергиями // Педиатр. - 2016. -Т.7. Вып.4. С.61-66.

5. Доршакова Е.В. и др. Микромицеты в естественной среде обитания и в помещениях – их потенциальная опасность для здоровья людей // проблемы медицинской микологии, 2012, Т.14, №3.-С.53-58.